

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ  
4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА  
ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART  
VOLUME 4, ISSUE 1**



**Бош муҳаррир:**

**Холбеков Муҳаммаджон**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Тўхтасинов Илхом**

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

**Тахрир хайъати:**

**Назаров Бахтиёр**

академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умарўгли**

ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Бокиева Гуландом**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**

ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматкул**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**

к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Жеймс Форт**

Мичиган университети (АҚШ)

**Умархўжаев Мухтор**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабоев Ҳамидулла**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**

ф.ф.д. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

**Главный редактор:**

**Холбеков Муҳаммаджон**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Заместитель главного редактора:**

**Тухтасинов Илхом**

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

**Редакционная коллегия:**

**Назаров Бахтиёр**

академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умар оглы**

д.ф.н., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бакиева Гуландом**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**

д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Махмудов Низомиддин**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**

д.ф.н., профессор (Россия)

**Джураев Маматкул**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**

к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Джеймс Форт**

Университет Мичигана (США)

**Умархаджаев Мухтар**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Балтабоев Ҳамидулла**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Дустмухаммедов Хуршид**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Шиукашвили Тамар**

д.ф.н. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

**Editor in Chief:**

**Kholbekov Muhammadjan**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**

**Tuhtasinov Ilhom**

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

**Editorial Board:**

**Bakhtiyor Nazarov**

academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umarogli**

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**

University of Michigan (USA)

**Umarkhodjaev Mukhtar**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammedov Khurshid**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Shiukashvili Tamar**

Doc. of philol. sci. (Georgia)

**Yusupov Oybek**

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

## Адабиётшунослик

### 1. Rahmonqulova Zarnigor

DISTOPIK EKZISTENSIALIZMNI INGLIZ YOZUVCHISI UILYAM GOLDINGNING "LORD OF THE FLIES" ROMANIDA AKS ETISHI.....6

### 2. Усманова Севара

ЧЎЛПОН ВА С.РИЧАРДСОН РОМАНЛАРИДА БАДИИЯТ МУАММОЛАРИ.....14

### 3. Yusupova Dildora

SHOIR SO‘Z AYTGANI KELAR DUNYOGA...(Shoira Halima Xudoyberdiyevaning hayot va ijod yo‘liga chizgilar).....21

### 4. Қўчқорова Садоқат

ФОЛЬКЛОРДА ЭРТАКНИНГ ЖАНР СИФАТИДАГИ ХУСУСИЯТИ.....28

### 5. Мажитова Сабоҳат, Ярашов Шариф

АМИР ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ВА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА «ДИЛ» (ЮРАК, ҚАЛБ) ТИМСОЛИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК МАЙДОНИ.....35

### 6. Джалилова Зарнигор

ИНГЛИЗ ШЕЪРИЯТИДА ИНСОН СИФАТЛАРИНИНГ ГУЛЛАР ТИМСОЛИДА ИФОДАЛАНИШИ.....42

## Лингводидактика

### 7. Khamzaev Sobir, Gilyazetdinov Eldar

THE PRINCIPLES OF SPEAKING SKILLS' FORMATION AMONG STUDENTS OF LINGUISTIC UNIVERSITIES.....48

## Тилшунослик

### 8. Boygucheva Lola

THE ROLE OF DISCOURSE ANALYSIS IN MODERN LINGUISTIC THEORY.....54

### 9. Кобилова Азиза

ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР ЎРНИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ПЕРИФРАЗЛАР ТАҲЛИЛИ (ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ МИСОЛИДА).....59

### 10. Mamanazarova Gulhayo, Paluanova Halifa

ISSUES ON OIL AND GAS TERMINOLOGY IN LINGUISTICS.....65

### 11. Melikova Elnora, Abdullayeva Nargiza

PRIMARY AND SECONDARY PREDICATION.....71

### 12. Saidova Farida

O‘ZBEK TILI LEKSIK SINONIMLARINING LEKSIKOGRAFIK TALQINI.....77

### 13. Turniyazov Behzod

FAKTIVLIK ASOSIDAGI KAUZATSIYA.....83


<b>14. Гафуров Бахтиёр</b> АНАЛИЗ ЛИНГВОСТАТИСТИЧЕСКОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ АКЦЕНТНЫХ ФОНОВАРИАНТОВ ИМЕН СУЩЕСТВИТЕЛЬНЫХ РУССКОГО ЯЗЫКА.....	91
<b>15. Ибаев Анвар</b> КОМПАРАТИВ СИНТАКТИК ҚУРИЛМАЛАР ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ЎРГАНИЛИШ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА.....	97
<b>16. Исмаилов Тургун</b> ПРЕЗИДЕНТ ДИСКУРСИДА HOMELAND КОНЦЕПТИНИНГ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ОРҚАЛИ ТАСАВВУР ЭТИЛИШИ (FREEDOM, LIBERTY ҚАДРИЯТИ МИСОЛИДА).....	103
<b>17. Камолитдинова Вазира</b> ОКСЮМОРОН ВА УНИНГ УСЛУБИЙ - СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	111
<b>18. Нигматова Лолахон</b> ЎЗБЕК ТИЛИ МАХСУС КОРПУСЛАРИ – ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУШТАРАКЛИГИНИ ЎРГАНИШ ВОСИТАСИ.....	116
<b>19. Сабирова Ёъзоа</b> ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАРИДА ЎЗЛАШМА ЮРИДИК ТЕРМИНЛАР ТАЛҚИНИ.....	121
<b>20. Сулаймонова Нигора</b> ЗАМАХШАРИЙ ГЎЗАЛ НУТҚ ВА САБР ОДОБИ ҲАҚИДА.....	130
<b>21. Тўева Зулфия, Юлдашева Дилором</b> БАЁН ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА.....	137
<b>22. Xolova Muyassar</b> BOYSUN SHEVASI ONLAYN MA'LUMOTLAR BAZASI (QIDIRISH VA SARALASH IMKONIYATLARI ASOSIDA).....	146
<b>23. Abdullayeva Oqila Holmo'minovna</b> O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISH BOSQICHLARI VA MUAMMOLI JHATLARI....	153
<b>24. Abdunazarova Zarina Islomovna</b> THE FORMATION OF SPEECH COMPETENCE.....	146
<b>25. Nilufar Abduraxmonova</b> O'ZBEK TILI KORPUSINI YARATISHDA LINGVISTIK ANNOTATSIYALASH TAMOIYILLARI.....	164
<b>26. Shamuradova Naima</b> O'ZBEK VA INGLIZ XALQ MAQOLLARINING QIYOSIY O'RGANILISHI HAQIDA (ASOSIY QISMLARINI QO'LLASH).....	171
<b>27. Яхёева Гулнора Бахтиёровна</b> ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ.....	175

<b>28. Irgasheva Umida</b> INGLIZ TILI DARSLARIDA TALABALAR KASBIY NUTQ KOMPETENTSIYASINI TAKOMILLASHTIRISHDA STEAM TEXNOLOGIYALAR AHAMIYATI.....	179
<b>29. Jumaniyozova Nuriya Axmedovna</b> YURIDIK DISKURS LINGVISTIK TADQIQOT OBYEKTI SIFATIDA.....	184
<b>30. Khayitova Feruza Abdikhalikovna</b> THE PRACTICAL ANALYSIS OF TOPONYMS IN GREAT BRITAIN BASED ON THE STORY OF A. CONAN DOYLE "THE HOUND OF THE BASKERVILLES".....	188
<b>31. Z. Masodiqova, Sh. Xatamqulova</b> O'ZBEK VA NEMIS MAQOLLARINI QIYOSHLASH.....	193
<b>32. Teshaboyev Dilmurod Rahmadjonovich, Axmadjonova Mohinur Bahodirovna</b> SON SO'Z TURKUMINING BOSHLANG'ICH SINF DARSLIKLARIDA IFODALANGAN SHAKLLARINI AKT ORQALI TUSHUNTIRISH.....	193
<b>33. Maxmurova Mavjuda Halimovna</b> METAFORALAR NUTQ SHAKLI SIFATIDA.....	204
<b>34. Nazarov Rustam Irkinovich</b> THE IMPORTANCE OF PAIR WORK AND GROUP WORK ACTIVITIES IN TEACHING ENGLISH IN TECHNICAL UNIVERSITIES.....	210
<b>35. Saidbekova Raykhona Rustambekovna, Ruzmatova Dilnoza Ramatjonova</b> FAMILY PERSPECTIVES IN THE NOVEL "AND THE MOUNTAIN ENCHOED" BY KHALED HUSSEINI.....	217
<b>36. Алижон Раҳматович Қосимов, Хумора Муҳаммадиса қизи Иминова</b> ТИЛНИНГ БИОПСИХОСОЦИАЛ ОНТОЛОГИК МАҚОМИ МУАММОЛАРИ.....	222

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Усманова Севара Султановна  
Фарғона давлат университети таянч докторанти  
sevara@umail.uz

## ЧЎЛПОН ВА С.РИЧАРДСОН РОМАНЛАРИДА БАДИИЯТ МУАММОЛАРИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2021-1-2>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада инглиз ва ўзбек адабиётшунослигидаги бадиият муаммолари ўрганилди. Образ яратиш бадиийликнинг моҳияти экан, бу жараён асарнинг мазмуни ва ғоясини тасвирлаш орқали намоён бўлади. Мақолада тадқиқотимиз объекти бўлган Чўлпоннинг “Кеча ва Кундуз” ва С.Ричардсоннинг “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” романларидаги муаммолардан бири жамиятдаги хотин-қизларнинг ўрни ва уларнинг ҳақ-хуқуқи масалалари ҳам кенг ёритиб берилди. Инглиз маърифатпарвар ёзувчиси С.Ричардсон томонидан яратилган “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” асаридаги мавзу ва ғоянинг тасвирланиши Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асаридаги мавзу ва ғоя билан муштарақлигини кўриш мумкин. Чўлпон даврининг ижтимоий муаммолари орқали асарнинг умумлашма образини яратишга эришган.

**Калит сўзлар:** бадиият, эстетик баҳо, “Кеча ва Кундуз”, “Памела ёхуд тақдирланган фазилат”, пафос, пуританизм

Усманова Севара Султановна  
докторант Ферганского государственного университета  
sevara@umail.uz

## ПРОБЛЕМЫ ИСКУССТВА В РОМАНАХ ЧУЛПАНА И С. РИЧАРДСОНА

### АННОТАЦИЯ

В статье исследуются проблемы искусства в английской и узбекской литературе. Поскольку создание изображения является сутью искусства, этот процесс проявляется в изображении содержания и идеи произведения. В статье также освещается роль женщин в обществе и их права, одна из проблем в произведениях Чулпана «День и ночь» и С. Ричардсона «Памела или награжденная добродетель», которые являются предметом нашего исследования. Описание темы и идеи в произведении английского просвещенного писателя С. Ричардсона «Памела или Вознагражденная добродетель» прослеживается в общности темы и идеи в «Дне и ночи» Чулпана.

**Ключевые слова:** искусство, эстетическая оценка, «День и ночь», «Памела или награжденная добродетель», Пафос, пуританство.

Usmanova Sevara Sultanovna  
doctoral student at Fergana State University  
sevara@umail.uz

## THE PROBLEMS OF ART IN THE NOVELS OF CHOLPON AND S. RICHARDSON

### ANNOTATION

This article examines the problems of art in English and Uzbek literature. Since image creation is the essence of art, this process is manifested by depicting the content and idea of the work. The article also covers the role of women in society and their rights, one of the problems in Cholpon's "Night and Day" and S. Richardson's "Pamela or the Rewarded Virtue", which are the subject of our research. The description of the theme and idea in the work "Pamela or the Rewarded Virtue" created by the English enlightened writer S. Richardson can be seen in the commonality of the theme and idea in Cholpon's "Night and Day".

**Keywords:** art, aesthetic evaluation, "Night and Day", "Pamela or the Awarded Virtue", Paphos, Puritanism.

Адабиётшуносликда бадиият муаммолари бир қанча олимлар томонидан ўрганилган. Таниқли адабиётшунос олим Умнат Тўйчиев "Бадиийлик такомил" мақоласида бадиийлик сўзининг мазмун ва моҳиятини қуйидагича изоҳлаган: "IX асрда яшаган араб филологи Ибн ал-Мўътаз суянган фикрга қараганда, бадиийлик арабча «бадаа» масдари (февли)дан бўлиб, «янгилик»деган маънони билдиради. Шу сабабли «бадиийлик» атамаси адабиётнинг энг нозик жиҳати билан алоқадор – шунга эътиборимизни тортади, чунки асарда янгилик бўлмаса, унинг ўрнида такрор бўлса, бундай асар адабиётга кераксиздир" [1]. Шундай экан, «Бадиий» атамаси араб тилидаги "бадъун", "бадеъа" сўзидан олинган бўлиб, нимагадир янгилик киритиш, яратиш, ижод қилиш, ўйлаб топиш, кашф этиш каби маъноларни англатади. Термин сифатида эса гўзаллик қонуниятлари асосида асал қилувчи санъатнинг энг бирламчи, етакчи тушунчасини билдиради. Ҳар бир асарнинг асл бадиий қиммати ёзувчи услуби, образ яритиш маҳорати, асарнинг тасвирдаги ҳаққонийлиги билан ўлчанади. Фикримиз исботи учун академик Иззат Султоннинг "Бадиийликнинг энг муҳим аломати — ҳаққонийликдир. Фақат ҳаётни ростгуйлик билан ҳаққоний тасвирлай олган асаргина бадиийдир" [2] деган сўзларини келтириш ўринлидир.

Бадиийлик мезонларини И.Султон ҳаққонийлик, самимийлик, мазмун ва шакл мутаносиблиги, мазмун ва шаклнинг тиниқлиги, бадиий тил кабилардан иборат деб белгилаган бўлса, адабиётшуносликда эришган ютуқларимиз асосида проф. Б. Саримсоқов эса мазмун ва шакл бирлиги ва уларнинг уйғунлиги, тасвир ва ифоданинг ҳаққонийлиги, пафоснинг ҳаётийлиги ва тиниқлиги, тасвир ва ифоданинг аниқлиги, бетакрорлик(оригиналлик), эстетик баҳо, шартлилик миқёси ва даражаси, тил бадиияти каби мезонлар асосида таҳлил этган. [3] Профессор Д.Қуронов бадиийликнинг "жавҳари бўлган барқарор шартларни мазмун ва шаклнинг уйғун бирлиги, шартлилик,ўқувчига йўналтирилганлик, оригиналлик ва универсаллик тарзида ифодаланган. Кўринадики,адабиётнинг ўзига хослигини белгиловчи омилардан бири бадиийлик мезонлари адабиётшунослар томонидан ўзига хос йўсинда таҳлил этилган.

Маълумки, образ яратиш бадиийликнинг моҳияти экан, бу жараён асарнинг мазмуни ва ғоясини тасвирлаш орқали намоён бўлади. Тадқиқотимиз объекти бўлган Чўлпоннинг "Кеча ва Кундуз" ва С.Ричардсоннинг"Памела ёхуд тақдирланган фазилат" романларидаги муаммолардан бири жамиятдаги хотин-қизларнингўрни ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқи масаласидир. Чўлпон даврининг ижтимоий муаммолари орқали асарнинг умумлашма образини яратишга эришган. Ёзувчи образлар негизида инсоннинг ҳаётдаги ва жамиятдаги ўрнини, қадрини кўрсатишга интилан. Х.Лутфиддинова Чўлпоннинг "Кеча ва Кундуз" асаридаги энг долзарб муаммо хотин-қизлар эрки масаласи, деган фикрни илгари суради ва Зеби образини эстетик идеал сифатида эътироф этади. Профессор Д.Қуронов ҳам асарда

нафақат хотин-қизлар озодлиги ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, шунингдек, инсон эрки, мутелик каби муаммоларни таҳлил қилади. Олим нафақат Зеби образи тимсолида балки Қурвонбибига ўхшаган аёллар тимсоли орқали ҳам юқоридаги муаммоларни тасвирлаб берган. Дарҳақиқат, ижодкор эркисизлик, мутелик каби қарашларни Зеби образи тимсолида ифодалаш билан бир қаторда асардаги Қурвонбиби, Салти, Мингбошининг кундош аёллари тимсолида ҳам ёритиб берган. Ана шу муаммолар сабаб, Туркистон мустамлака тузумини бошидан кечиришга сабаб бўлди. Қўшхотинлик, ишратбозлик, фисқу фасод, укувсизлик ва саводсизлик каби иллатлар жамиятни таназзулга олиб келди ва ўз-ўзидан мутеликка ва эркисизликка сабаб бўлди. Ёзувчи ўша давр муаммоларини, ўзи қалбидан кечирган дарду-аламларини, мустабид шўро тузумининг қабиҳлик ва разилликларини бадий образлари орқали очиб берди. Ижодкор асар ғоясини тасвирлашда бадииятнинг умумий категорияси ҳисобланган образлар мисолида кенг ёритиб берган. Масалан, “Иккала қизнинг, айниқса, Зебининг кўнглидаги изтироб, зотан, сўфи киргандан сўнг авж олиши керак эди. Чунки, қизлар шўхлик ва ўйинга берилиб кетиб, ҳамма нарсани эсдан чиқарган эмасмидилар? Қоронғи киш кунларидан қолган доғлар, тўрт девор орасида яшашдан келган чиқиндилар, оталардан ўтган зулмлар, совчилардан етган ташвишлар барҳам емаганмиди? Ёшликнинг қувватли тўлқинлари уларнинг барчасини бир баҳор ёмғири каби ювиб кетмаганмиди? Шундай ўртоқнинг шундай ширин муомалалари олдида шундай тесқари, шундай ўжар ва қайсар отанинг борлиги ҳам унутилган эмасмиди? Уйдан «Бир зумда бориб келаман, деб чиққан Салти ҳам берган ваъдасини, уйини ва ота-онасини унутиб, қўлида маймоқ ва туллаган бир супурги билан қолиб кетмаганмиди?».

Бадий асарнинг мазмун ва шакл бирлиги ҳамда уларнинг уйғунлиги асарнинг бадийлигини белгилаб беради. Асарнинг мавзу ва ғояси мазмун бирлигини ташкил этса, жанр, сюжет, образлар тизими, характер ва типлар асарнинг шакл бирлигини ташкил этади. Бадий асарда мазмун ва шакл уйғунлиги унинг асл қийматини, таъсирчанлигини ва ўзига хослигини намоён этади. Маълумки, “Кеча ва кундуз” романидаги мазмунни ифодаловчи асар мавзуси ёзувчи ёритмоқчи бўлган муаммо билан ифодаланади. Буюк рус ёзувчиси М.Горькийнинг “Мавзу муаллифнинг таърибасида туғилади, ҳаёт уни ёзувчининг қулоғига қуяди, аммо унинг таассуротлар хазинасида шаклланмаган ҳолда уя солибётади ва образларни ифодалашни талаб этиб, ёзувчида уни шакллантириш учун интилиш туғдиради” деган фикрлари ўринлидир. Демак, асар мавзуси ёзувчининг ҳаёли ва онгидаги ўй-фикрларининг шаклланиши ва уни асар ёзишга ундовчи муаммолардан биридир. “Кеча ва кундуз” асарининг мавзуси ўзбек халқининг мустамлака давридаги мазлум ҳаётидир. Чўлпон асармавзуси орқали даврнинг ижтимоий муаммоларини очиб берган.

Бадий асарда ижодкор илгари сурган асосий фикр асарнинг бадий ғоясидир. Романнинг бадий ғояси XIX асрда Туркистонда ижтимоий аҳволнинг конкрет кўриниши, маънавий тубанлик, халқни жаҳолат ботқоғига ғарқ бўлгани, мутелик, эркисизлик каби иллатларнинг жамиятда ҳукмронлик қилишидир. Айни шу даврда инглиз маърифатпарвар ёзувчиси С.Ричардсон томонидан яратилган “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” асаридаги мавзу ва ғоянинг тасвирланиши Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асаридаги мавзу ва ғоя билан муштараклигини кўриш мумкин. “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” асарининг мавзу Пуридан даврида инглиз халқинининг ижтимоий –маънавий ҳаётини ёритишдир. Асарнинг бош ғояси эса инсоннинг жамиятдаги ўрнини кўрсатишдир.

“Кеча ва кундуз” жанр жиҳатидан роман ҳисобланади. Ижодкор романда ҳаётни кенг кўламда тасвирлашга ҳаракат қилган. Қахрамонлар тақдири, уларнинг босиб ўтган йўллари, турли тоифадаги инсонлар қисмати орқали, ўтмиш давридаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳамда ахлоқий-маънавий муаммоларни кенг акс эттирган. Бу роман икки қисмдан иборат бўлиб, бугунги кунда бизгача асарнинг “Кеча” қисми етиб келган. Аммо “Кундуз” қисми эса ҳали хануз топилгани йук. Профессор Наим Каримов “Чўлпон куни кеча фақат рўзғор ишлари билан банд бўлган, зулм қамчисини ўз елкасида синаб келган хотин-қизлар пешонасига XX аср шуълалари туганини кўриб, беҳад қувонди. Ва худди шу мавзуда икки қисмдан иборат “Кеча ва кундуз” деб номланган икки китобдан иборат бўлиши лозим эди”,

дея роман тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиради. Дарҳақиқат, ижодкор романи яратар экан, асарда октябрь тўнтариши билан боғлиқ ўй-фикрларини, қалб кечинмаларини, давр муаммоларини, кейинчалик, ижобий эврилишларни романга сингдириб юборади ва воқеалар ривожини асосида китобхон буни англаб боради.

Худди шунингдек, С. Ричардсон “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” романини эпистоляр жанрда, яъни хат жанрида яратган. Эпистоляр роман Европада XVIII асрда сентементалист ёзувчилар ижодида ривожланди. Эпистоляр роман бир ва ундан ортиқ қахрамонларнинг мактуб орқали мулоқотидан ташкил топган бўлиб, унда қахрамонларнинг рухияти, уларнинг ҳис-туйғулари ва қалб кечинмалари акс этади.[4] Ричардсон романида буржуа тузумини ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш кўзда тутилган. Шунинг учун ёзувчи асарларида панд-насихат шукуҳи сезилиб туради. Роман таҳлилидан англашиладики, ёзувчи оддий халқ вакили Памелани худди Чўлпоннинг Зебиси каби асар бош қахрамонига айлантирган. Икки асрнинг реалистик ўхшаш жиҳатлари бош образларнинг аёл эканлиги ва оддий халқ вакилидан чиққанлигидадир.

“Кеча ва кундуз” ретроспектив сюжет асосига қурилган бўлиб, сюжет ва конфликт орқали таъсирчанлиги ривожланади ва ҳаётини ҳақиқати тўла ифодаланади. Чўлпон асарда конфликт орқали сюжетнинг асосий босқичларини белгилаб беради. У сюжет ва конфликтнинг бошланишидан аввал келадиган экспозициядан ўринли фойдаланган. “Зеби шундай бир отанинг қизиким, унинг кўлида ҳар қандай кучли майлларини ҳам юганлаб тутмоққа, кўнгилнинг ҳар бир ҳавас ва тилагини кўринган жой ида бўғиб ташлам оққа тўғри келади ҳам”. Ушбу парчадан англашиладики, Зеби қаттиққўл, кўрс отанинг қизи. Самуэль Ричардсон ижодида ҳам экспозиция белгисини учратамиз: “Much I feared, that as I was taken by her ladyship to wait upon her person, I should be quite destitute again, and forced to return to you and my poor mother, who have enough to do to maintain yourselves; and, as my lady's goodness had put me to write and cast accounts, and made me a little expert at my needle, and otherwise qualified above my degree, it was not every family that could have found a place that your poor Pamela was fit for”. [5] Берилган мисолда Ричардсон қахрамони Памела Зебига қараганда саводли, шижоатли ва ўзига ишонган қиз сифатида маълум бўлди. У бекаси вафот этгунга қадар ҳаёти давомида ўқишни, ёзишни, тикишни ўрганганини ҳамда бекаси унга ғамхўр бўлганини билдиради. Асар экспозицияси орқали қахрамонлар характери ва уларнинг ўтмиш ҳаёти билан боғлиқ ўзига хос жиҳатларини англаб олишимиз мумкин.

Сюжетнинг иккинчи таркибий қисми тугундир. Тугун асосан конфликтдан келиб чиқади. “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” асаридаги асосий конфликт Памеланинг одоб-ахлоқ қоидаларига итоаткорлиги, уни ўз шаънини сақлаш учун сай-ҳаракатлари ва Жаноб Бнинг буржуа зодагонларига хос бўлган хизматкорларни ўз мулки деб ҳисоблаши билан боғлиқ қарашлари ўртасидаги тафовутдан келиб чиқади. Асарда конфликтнинг кучайиши жаноб Бнинг Памелани ихтиёрига қарши Линкольнширдаги фермер уйига жўнатиб юборишдан келиб чиқади. “He pretended to be much out of humor with himself from mistaking the way, and at last stopped at a farmhouse, about two miles beyond the village I had seen; and it was then almost dark, and he alighted, and said, We must make shift here; for I am quite out.” [5] Памела жаноб Б уни алдаганидан чуқур қайғуга тушади ва унга бўлган нафрати янада ошади. Асар конфликтининг юзага келиши “Кеча ва кундуз” асарида ҳам ўзига хос бўлиб, тугун қисми Зебининг қишлоқ сафарига борганда, унинг овозига маҳлиё бўлган қишлоқ аҳолиси ва мингбоши хонадони вакилларининг назари тушган парчадан бошланади. Асар сюжетининг ривожланиши ҳам ана шу конфликтнинг юзага келиши билан боғланган. Асардаги воқеалар ривожидан юзага келган тугун қуйидаги келтирилган парчадан англаш мумкин: “Тонг ёриш масдан йўлга тушиб, қишлоқдан чиқарчиқмас ашулани баланд қўйган Зеби неча йиллик ғамташвишлардан тўрт-беш кун ичида ортиғи билан ёзилиб келаркан, ўз орқасида ўйнаётган ўйинлардан хабарсиз эди. Кечаси Умринисабидан Зеби тўғрисидаги ташвишли хабарни эшитганидан кейин Энахоннинг онаси меҳмонлар жавдишган вақтда Салтанатни бир чекага чақириб, ҳалиги хусусда огоҳлантирган бўлса-да, Салтанат бу қадар ёйилиб ва қувнаб бораётган ўртоғини хафа қилмаслик учун унга ҳеч нарса демасликни эп кўрди. Салтанат у

тўғрида бу ёшқизга гап очиб, унинг ёруғ таъбини хира қилмасдан, ўз онаси орқали Зебининг онасига эшиттириб қўймоқчи бўларди.”[6] Демак, шу каби тугун ва конфликт чўлпонона услубда ёритилган ва сюжетнинг воқеалар ривожини тараққий эттирган. Ҳар икки асарда характерлар ўртасидаги тўқнашувлар чўққиси-кульминация мавжуддир.

Ричардсон асаридаги кульминацион нуқта бу Жаноб Бнинг Памелага мактуб ёзиши ва унга бўлган муҳаббатига иқрор бўлидир. Жаноб Б опаси Дэйверс хонимга Памелага муҳаббатини ошкора айтади. уни оқила қиз эканини, унга уйланмоқчи эканини айтади. Аввалига қаршилик билдирган Дэйверс хоним ҳам Памелани ифбатли, оқкўнгил ва тозақалб инсон эканлигига амин бўлади ва уни зодагон оиланинг келини бўлишига қаршилик билдирмайди. Агар иккала романнинг ечимига эътибор қаратсак, “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” асаридан фарқли ўлароқ “Кеча ва кундуз” асарининг кульминацион чўққиси фожиавий тарзда содир бўлади. Асарда Зебининг кундоши Пошшахон томонидан тайёрланган “табаррук сув” мингбошининг ўлимига сабаб бўлади. Аммо Зеби тирик қолгани билан унинг бутун келажак ҳаёти остин-устин бўлиб кетган эди. Сюжет қисмларининг сўнгги белгиси ечим саналади. Ечим ижобий ёки салбий яқун демакдир. Ричардсон қаҳрамони Памела ўзининг сабр-тоқати, иффати ва эзгу амаллари билан разиллик ботқоғига ботган жаноб Бни тўғри йўлга бошлайди. Жаноб Б Памеланинг гўзал фазилатлар соҳибаси эканига амин бўлади ва унга охир оқибат уйланади. Лекин “Кеча ва кундуз” асарининг ечимини анча фожиали тарзда тугашини, Зебидек соддадил, покқалбли ўзбек қизининг қисмати тасвирида кўрамиз. Агар асарнинг Кундуз қисми мавжуд бўлганда, унда сюжет чизиқлари бироз бошқача тартибда бўлар эди. Асарнинг кульминацион нуқтаси Зебининг етти йилга қамалиши бўлса, ечими балки, унинг оқланиб чиқиши ва ўз ҳаётини қайтадан тиклаб, бахтга эришишига имкони бўлар эди. Демак, юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, асар сюжетидаги қисм: конфликт, тугун, ечим, кульминация асар бадииятини очишда ва шу орқали ёзувчи нутқи ва услубини аниқлашда аҳамиятга эгадир.

“Тасвир ёки ифоданинг ҳаққонийлиги воқеликни бутун икир-чикирлари билан айнан акс эттириш эмас, балки муайян макон ва замондаги воқеликнинг етакчи тамойилларини ишонарли, тўлақонли акс эттириш, демакдир.” “Кеча ва кундуз” асарида давр манзаралари ҳаққоний ва таъсирчан тасвирланган. Жадидчилик ғоялари, Биринчи Жаҳон уруши ва мардикорлик воқеалари, «Таржимон», «Вақт» газеталари билан боғлиқ маълумотлар, Оренбургдаги машҳур «Хусайния» мадрасаси тафсилотлари асар тўқимасига маҳорат билан сингдирилган. Мазкур асар ўзбек романчилиги тараққиётида муҳим воқеа бўлди. Тарихимизнинг ғоят мураккаб ва масъулиятли бир даврини, миллий уйғониш тарихимиз манзараларини ҳаққоний ёритиб берди. Миллий қиёфадаги образлар яратиб, ўзбек романчилигини янги, юксак поғонага олиб чиқди. Асарда халқ ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга молик бўлган барча ижтимоий зиддиятлар, адибнинг бор орзу умидлари ифодаланган. Унда оддий меҳнаткаш халқнинг, айниқса, хотин-қизларнинг заҳматли ҳаёти, эпизодлардаги ёрқин образлар воситасида таъсирли ва ҳаққоний тасвирланган. Маълумки, асарда ёзувчи ҳаётдаги моддий қийинчиликлар инсоннинг маънавий оламига қанчалар таъсир этишини, унинг дунёқарашини, фикрлаш доирасини, ақл-заковатини чеклаб қўйишини ҳаққоний акс эттирган.[7]

Асарнинг бадиийлигини кўрсатиб берувчи мезонлардан бири асар пафосидир. В.Г. Белинский пафос адабиётнинг мазмунидир, деган фикрларни билдирган. Дарҳақиқат, асарда “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” ёзувчинининг ғоявий-ҳиссий, ижодий фикрини эҳтирос ва ҳис туйғулари орқали такомиллаштиради. Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асарида инсонпарварлик пафосининг юқорилиги асарнинг бадииятини ва эстетик таъсирини янада оширган. Худди шунингдек, Ричардсоннинг “Памела ёхуд тақдирланган фазилат” асари сентиментализм шукуҳида ёзилган бўлиб, ҳис-туйғулар ва эҳтиросларга бойдир. Асарда пуританизм пафоси яққол намоён бўлади. А.В. Михеева Ричардсон асарларида олийжаноблик пафоси намоён бўлишини[8] таъкидлаган. Кўринадики, асар пафоси ҳаётий, аниқ ҳамда бадиийлик даражаси юқори бўлса, бундай асардан китобхон ўзига керакли эстетик қувватни олади. Шартлилик ва унинг даражаси ҳам бадииятнинг мезони бўлади.

Маълумки, шартлилик бадийлик мезони сифатида асардаги бош ғоянинг тўлақонли ифодалашга хизмат қилади. Ҳар икки асарнинг бош ғоясини бир-бирига муштарақлик томонларини кўра олишимиз мумкин. “Кеча ва кундуз” асри орқали тасвирланган ўтмиш давр ҳаётидаги кундошлилик, қўшхотинлик иллатлари асар шартлилик миқёсини белгилаб беради. Зебининг онаси Қурвонбиби эри Раззоқ сўфи қизи Зебини Акбарали мингбошига беришга рози бўлгани билан боғлиқ асардаги қуйидаги парча бунга мисол бўла олади: “Шу ерга келганда, она беч ора бир нарса демоқчи бўлиб эди, Раззоқ сўфи бакириб берди:

- Гапни эшит!..Сўфининг «туғиб олиб ўлдирмоқчи бўлганини» чалачулпа эшитган ва бу кейинги бакиришдан эса тамомхабардор булган Зеби отасининг айтадиган қўрқинчгапини бир он аввал эшитмоқ учун энтикарди. Фақатсўфи яна пичирлашга тушди.

- Мингбошининг ёнвериди юрадиган бир-икки киши мени холи топишиб, қиз ўлгуринг тўғрисида эҳтиёт билан гап очиб кўришди...

- Кимга? - деб сўради кампир ҳовлиқиб.

- Кимга бўларди, мингбошига!

- Қайси мингбошига!

- Акбарали мингбошига! Сен танайсан уни...

Кампир ўзини тутолмади. Юрагининг ҳовлиққаниавзойининг кўтарилишига сабаб бўлди:

- Мингбоши бўлса, хотини бордир? Худо уриб, кундош устигами?!

Бу бесаранж ом саволлар қизнинг қулоғига жуда аниқ эшитилган эди. У иккала кўлининг қандай қилибкўрагига бориб қолганини ўзи ҳам пайкаёлмади...Энди унинг юраги, нотоб бўлган каби, жуда суст урмоқда, ранги оқарган бутун вужуди латта каби бўшашган эди...

Деворга суянганича, беҳол ўтириб қолди.Миясида уч-тўрт кун бурун ўтган воқеалар жонланди. Мингбошининг даранглагануйлари... Сертакаллуф зиёфатлар... Бир-бири билан бу қадар иноқ бўлиб кўринган кундошлар... Султонхоннинг бирданига орадан йўқ бўлиб қолиши... Сўнгра мингбоши тўғрисидаҳар кимлардан эшитган гаплари қулоқларида чинглайбошлади: у -ўлгудек хотинбоз... У уч хотин олиб, биргина қиз курган... Шунинг алам ига чидаёлмасдан, ўзиниҳар бал ога уради... Давлати, бойлиги, ҳеч нарсаси татимайди... Ўзи ўлгундек хунук, бадбашара... Одам курсақўрқади... Шундай бўлса ҳам қандай чиройлик ва момикдай қайликлари бор... Бечораларнинг шўри...” [9]. Берилган парчада ўтмиш даврдаги қўшхотинлик иллоти “худо уриб, кундош устигами”, “ўлгудек хотинбоз”, “бечоранинг шўри” каби бирикмалардан ҳам англашилади. Қурвонбиби кундошлик уйда қизини ҳаёти қандай кечишидан ташвишланади. Унинг оналарча бўлган қайғу алами асар воқеалар ривожиди баён этилади. Отаси Раззоқ сўфи эса қизини қари чолга тегса ҳам, егани олдида,емагани кетида бўлишидан кўнгли тўқ эди. Балки ўтмиш даврдаги ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар туфайли ота-оналар қизларини ночорликдан ҳоли бўлишларини ишташган, деган фикрлар ҳам йўқ эмас, албатта. Қурвонбибининг ташвишланиши ўринли эди. Чунки у аёл, она, рафиқа бўлгани боис кундош балоси қандай эканлигини яхши биларди. Зебининг ўртанча кундоши Пошшахоннинг унинг ҳаёти остин устун бўлишига ва етти йилга қамалишига тоқча устига қўйган “табаррук сув” сабаб бўлди. Ўтмишдаги қўшхотинлик, бечора аёлларнинг мазлум кунлари тасвирланган ҳолатларни

А.Қаҳҳорнинг “Дахшат” ҳикоясининг қаҳрамони Унсин образида ҳам кўриш мумкин. Демак, асардаги кундошлик билан боғлиқ шартлилик ўша давр манзараларини тасвирлашда бадийят мезони сифатида хизмат қилган.

Аёл табиатнинг олий ҳилқати, тиргаги ,ҳаётнинг устунни демақдир. Аёлларнинг ролини жамиятнинг ҳар бир жабҳасида кўрамиз. Ҳаё, ибо аёлликнинг зийнатидир. Аёл қайси миллатдан, халқдан бўлмасин унинг олами ягонадир. Ричардсон қаҳрамони Памела ҳам ифқатини сақлашдаги ҳатти-ҳаракати зодагон оилада ўз ўрнини топишига сабаб бўлади. Маълумки,бадий асарда иштирок этувчи қаҳрамонлар, уларнинг ҳатти-ҳаракати, руҳий кечинмалари туфайли содир бўладиган воқеалар ўртасидаги сабаб-оқибат муносабатидаги боғланишлар асар бадийлигини таъминлашда шартлилик миқёси ва даражасини белгиловчи омилдир. XVIII асрда Англияда зодагонларининг ҳаёт тарзи ночор оиладан чиққан , Памела сингари хокисор, содда қизлар билан кўнгил хушлик мақсадида ҳар қандай разилликларга

қўл уришган аммо олий табақа вакилларининг ўз қонун-қоидалар мавжуд бўлиб, уларни ўз никоҳларига олишга йўл қўймаган. Асардаги жаноб Бнинг опаси Дэйверс хонимнинг нуткида буни яққол сезамиз. “You must know, then, that my Lady Davers, who, I need not tell you, is my master's sister, has been a month at our house, and has taken great notice of me, and given me good advice to keep myself to myself. She told me I was a pretty wench, and that everybody gave me a very good character, and loved me; and bid me take care to keep the fellows at a distance; and said, that I might do, and be more valued for it, even by them”. Жаноб Бнинг опаси Дэйверс хоним Памелани қанлар латофатли ва гўзал эканлигини билади ва уни укаси жаноб Бни хонадонидан қолишидан, хавотирга тушади. Чунки укаси жаноб Б Памелага ошиқ бўлиб қолишидан уни қўйи табақа вакили бўлишига қарамай унга уйланишидан безовта эди. Буни жаноб Б Памелага ёзган хатида ҳам айтиб ўтган. “He then spoke with some resentment of Lady Davers's behavior, and I asked, if anything new had occurred? Yes, said he; I have had a letter delivered me from her impertinent husband, professedly at her instigation, that amounted to little less than a piece of insolent bravery, on supposing I was about to marry you. I was so provoked, added he, that after I had read it, I tore it in a hundred pieces, and scattered them in the air, and bid the man who brought it let his master know what I had done with his letter; and so would not permit him to speak to me, as he would fain have done,—I think the fellow talked somewhat of his lady coming hither; but she shall not set her foot within my doors; and I suppose this treatment will hinder her. I was much concerned at this: And he said, Had I a hundred sisters, Pamela, their opposition should have no weight with me: and I did not intend you should know it; but you can't but expect a little difficulty from the pride of my sister, who have suffered so much from that of her brother; and we are too nearly allied in mind, as well as blood, I find.—But this is not her business: And if she would have made it so, she should have done it with more decency. Little occasion had she to boast of her birth, that knows not what belongs to good manners”. Мазкур, парчада бадийликни таъминловчи шартлилик миқёси ва даражаси акс этган. Ижодкор шундай ифода йўсинини танлайдики, у ўзи яшаган жамиятдаги аёлларни Памела образи орқали ахлоқий жиҳатдан етук, ор-номусли ва ўз кадр-қимматига эга ШАХС сифатида тасвирлайди. Демак, асар қаҳрамони Памела Ричардсоннинг эстетик идеали асосида яратилган образдир.

### Иқтибослар/Сноски/References

1. Тўйчиев У. Бадийлик такомилли/Миллий тикланиш газетаси.-1996й.31 декабрь
2. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь.М.,-1962.С.70.
3. И.Султон.Адабиёт назарияси. Тошкент. Ўқитувчи. 1996 й 2376
4. Б.И.Саримсаков. Бадийлик асослари ва мезонлари. Тошкент 2004 й. 92-116 б.
5. Куронов Д, З.Мамажонова,М.Шералиева. адабиётшунослик луғати.Академнашр,2010й. 56-576
6. Горький М. Собр. соч. в тридцати томах, т. 27, с. 214
7. Абдулхамид Чўлпон. “Кеча ва кундуз”/роман/”Адабий барҳаёт асарлар” туркуми. Нашрга тайёрловилар Тўлқин Эшбек, Бахтиёр Хайдар. –Т.: ”Адабиёт учкунлари”,2018.-66
8. А.Михеева.У истоков литературного диалога С. Ричардсона и Г. Филдинга.<https://md-eksperiment.org/post/20171114-u-istokov-literaturnogo-dialoga-s-richardsona-i-g-fildinga>
9. Ebooks.adelaide.edu.au,” Pamela and Virtue Rewarded”.320б
10. Тревельян Дж.М. История Англии от Чосера до королевы Виктории. Смоленск: Русич, 2001. – 624 с.
11. Usmanova Sevara Sultanovna (2020), ARTISTIC AND PSYCHOLOGICAL BASES OF THE IMAGE OF A WOMAN IN THE LITERATURE ("ON THE EXAMPLE OF “NIGHT AND DAY” BY CHULPAN) Journal of Critical Reviews ISSN- 2394-5125 Vol 7, Issue 9, 2020, pp-247-250 DOI: <http://dx.doi.org/10.31838/jcr.07.09.53>

**СЎЗ САНЪАТИ**  
**ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**  
**4 ЖИЛД, 1 СОН**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ**  
**ИСКУССТВО СЛОВА**  
**ТОМ 4, НОМЕР 1**

**INTERNATIONAL JOURNAL**  
**OF WORD ART**  
**VOLUME 4, ISSUE 1**